2015 йил 19 октябрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 211 (13.024)

Баҳоси эркин нархда

## МДҲНИНГ ҚОЗОҒИСТОН САММИТИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2015 йил 15-16 октябрь кунлари Қозоғистон Республикасида бўлди ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.**

Саммитнинг асосий тадбирлари 16 октябрь куни бўлиб ўтди.

МДҲ давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини муҳокама этиб, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича фикр алмашдилар.

Учрашувда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мажлисда яқин ва узоқ мамлакатларда вазият кескинлашиб, шиддат билан ўзгариб бораётгани инобатга олинадиган бўлса, МДҲ давлат раҳбарларининг мазкур учрашуви ўз вақтида ўтказилганини таъкидлади.

Айниқса, радикализм, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, низо ва қарама-қаршиликлар кескинлашиб бораётгани катта хавотир уйғотмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётгани ва Ҳамдўстлик давлатларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ҳам ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Давлатимиз раҳбари бугунги ғоят мураккаб вазиятда ҳар қандай учрашув ва фикр алмашиш, юзага келаётган таҳликали вазиятдан чиқиш йўлини биргаликда излаш фақат фойдали бўлишини алоҳида қайд этди.

Ислом Каримов саммитнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, МДҲ бу борада муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Мазкур учрашув ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган зарурат бўлиб, умумий тараққиётимиз истиқболи учун алоҳида аҳамиятга эга.

– Ҳамдўстлик – бу давлатларнинг бевосита мулоқот қилиши, фикр алмашиши, долзарб масалаларни муҳокама этиши, ўзаро манфаатлар ва яратилган мустаҳкам ҳуқуқий база, ўзаро ҳамкорлик бўйича ишлаб чиқилган восита ва механизмлар ҳисобга олинган ҳолда, иштирокчи давлатлар ўртасидаги баҳс ва мунозараларни ҳал этиш учун кенг имконият берадиган тузилмадир. МДҲ савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, экстремистик фаолиятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, энг муҳими, Ҳамдўстлик ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши, долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ўзаро мақбул тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда мувофиқлаштирилган амалий чоралар кўриш учун муҳим майдон вазифасини ўтамоқда, – деди Ислом Каримов.

Президентимиз ўзаро имтиёз ва преференциялар бериш, келишилган ва самарали тариф сиёсатини юритиш, шунингдек, ўзаро манфаатли янги транспорт йўналишларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш орқали транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш МДҲ аҳамиятини белгилайдиган энг муҳим омиллардан эканини таъкидлади.

Шу билан бирга, шуни ҳам қайд этиш жоизки, собиқ иттифоқ маконида бошқа давлатлараро тузилмаларнинг пайдо бўлаётгани туфайли МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши ва унинг бошқа органлари мажлислари аксарият ҳолларда умумий характерга эга бўлиб қолмоқда. Мажлисларда кўрилаётган масалалар кўпинча бугунги кунда Ҳамдўстлик ҳудудида юзага келаётган воқеаларга деярли дахли йўқ ва моҳиятан кундалик ҳаётдан анча йироқдир.

Ўзбекистон Президенти бунга ушбу учрашувни мисол қилиб келтирди. Унинг кун тартибига кўп томонлама ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир умумий характердаги мурожаат қилиш, баёнот бериш, келишув комиссияларини тузиш, қабул қилинган қарорлар ижроси тўғрисида ахборот бериш каби у қадар аҳамиятли бўлмаган масалалар киритилган. Юзага келган вазиятдан чиқишнинг йўли шундаки, ушбу давлатлараро бирлашмаларнинг ҳар бири, МДҲ ва Евроосиё иттифоқи ўз кун тартиби ва ҳаракат дастурига эга бўлиши, бир-бирини такрорламаслиги, аксинча, тўлдириши даркор.

Ислом Каримов минтақамизга бевосита дахлдор бўлган Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхталди.

Биродаркушлик уруши 35 йилдан ортиқ давом этаётган ушбу мамлакатдаги бугунги аҳвол қарама-қарши томонлар ўртасидаги низо чўзилиб кетаётганини кўрсатмоқда. Яқинда Қундуз шаҳрида рўй берган воқеалар ҳукуматнинг парокандалиги ва ҳаракатсизлигини, айни пайтда толибонлар фаол ҳамда уюшган ҳолда ҳаракат қилганини кўрсатди. Бунинг оқибатида толибонлар шаҳарни бир неча кун эгаллаб турди.

Ўзбекистон раҳбари Афғонистондаги жангари гуруҳлар мамлакат жанубидан шимол ва шимоли-шарқига ўтаётгани, чегара ҳудудларидаги вазият кескинлашиб бораётгани ҳам чуқур ташвиш уйғотаётганини алоҳида таъкидлади. Толибонларнинг мамлакатнинг айрим ҳудудларини босиб олиш бўйича кейинги уринишлари ушбу ҳаракат ҳали ҳам катта ҳарбий кучга эга эканидан далолат беради. Афғонистон армияси ҳозирча толибонларга қаршилик кўрсатишга, ҳукумат эса мамлакатда хавфсизликни таъминлашни тўлиқ назорат қилишга қодир эмас.

Афғонистонда юзага келаётган вазиятни инобатга олган ҳолда, кўплаб мутахассислар Ироқнинг аянчли аҳволини такрорламаслик учун Афғонистонда АЙСАФ ҳарбийларини кўпайтириш, уларнинг бу мамлакатда бўлишини яна бир неча йилга узайтириш керак, деган фикрга қўшилмоқда. Бунинг учун жиддий асослар бор.

– Афғонистондаги вазият қандай кечишидан қатъи назар, шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Афғонистон муаммосини фақат бир йўл, яъни БМТ шафелигида тинч сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро курашаётган томонларни муросага келтириш орқалигина ҳал этиш мумкин. Бошқа йўл йўқ, – деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ислом Каримов Қирғизистон Республикасини навбатдаги муддатда МДҲга раислик қилиши билан табриклади ва Президент Алмазбек Атамбаевга ушбу масъулиятли вазифани бажаришда муваффақият тилади.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 15-16 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этилган XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси буни яна бир бор яққол тасдиқлади.***



## ЎЗБЕКИСТОН – ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ярмаркада 700 минг тонна Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 800 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдордаги шартномалар имзоланди.

Бу галги Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасига ҳам жаҳон пахта ва тўқимачилик бозорининг етакчи вакиллари истиқболдаги масалаларни муҳокама этиш ҳамда ўзаро манфаатли шартномалар тузиш учун ташриф буюрди. Жорий йилда унда қирқдан ортиқ давлатдан 1000 дан зиёд фирма ва компания мутахассислари иштирок этди.

Улар Ўзбекистон ва дунёда пахта толаси ишлаб чиқариш, савдо ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтириш каби пахта саноатига тааллуқли кўплаб масалаларни муҳокама қилиб, ўзаро манфаатли шартномалар тузди.

Ярмарка доирасида ўтказилган конференцияда Ўзбекистон дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, экспорт қилиш бўйича бешинчи ўринда туриши таъкидланди. Жорий йилда ҳам пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштирди. Бу Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, қайта ишлаш саноатида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, шунингдек, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, селекция, логистика ва бошқа соҳаларни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изчил ишлар самарасидир.

Ишлаб чиқариш қувватларининг модернизация қилиниб, техник жиҳатдан янгилаб борилаётгани, ташқи бозорда маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларнинг тизимли асосда жорий қилинаётгани бу борадаги муҳим ютуқлардандир. Соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳар йили 3 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси тайёрлаш имконини бераётир.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва "Сифат" марказининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли пахта толаси ва тайёр пахта маҳсулотларини таснифлаш тизимининг такомиллаштирилаётгани тола сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Бремен пахта ассоциацияси ва Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси аъзоси бўлган "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази юртимиз далаларида етиштирилган пахта толасини халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган замонавий HVI тизими ёрдамида сертификатламоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## СЎЗ – ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

***Тошкентда 15-16 октябрь кунлари XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди. ЎзА мухбирлари анжуманнинг хорижлик иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.***

**Жосе СЕТТЕ, Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг ижрочи директори:**

– Ўзбекистон пахтаси толаси узунлиги, пишиқлиги, микронейр кўрсаткичлари бўйича дунёда юқори ўринда туради. Мамлакатингизда пахта саноатини янада ривожлантириш, тола сифатини ошириш, сақлаш ва етказиб бериш борасидаги тизимли ишлар самарасида жаҳонда унинг харидорлари тобора кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистонда пахта етиштириш билан бирга уни чуқур қайта ишлаш саноати жадал тараққий этаётганига "UZTEX-Chirchiq" қўшма корхонаси мисолида гувоҳ бўлдик. Бу ерда замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг кенг ассортименти, юқори сифати, кўркам дизайни бизда катта таассурот қолдирди. Корхонада ишчилар учун барча шароит яратилган. Ўзбекистонда пахта толасини қайта ишлаб, кенг турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилаётган эътибор мамлакатингиз иқтисодиётини юксак суръатлар билан ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**Жонг Вей ЦИАНГ, "Sinotrans Landbridge Transportation" компанияси менежери (Хитой):**

– Компаниямиз Хитойнинг тўқимачилик корхоналарига пахта етказиб бериш билан шуғулланади. Ўзбекистон билан бу борада фаол ҳамкорлик қилиб келамиз. Шу мақсадда Тошкентда ўз ваколатхонамизни очганмиз. Ўтган йили Хитой корхоналарига йигирма минг тонна Ўзбекистон пахтасини етказиб берган эдик. Бу йил ушбу кўрсаткични янада оширишни режалаштирганмиз.

Ярмарка доирасида "Ўзбекистон" пахтани қайта ишлаш заводи, "UZTEX-Chirchiq" қўшма корхонаси ва "Тошкент-Тола" пахта терминали фаолияти билан танишиб, Ўзбекистонда пахтачилик ва тўқимачилик саноати изчил ривожланаётганининг, соҳага энг замонавий технологиялар жорий этилаётганининг гувоҳи бўлдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳар соҳада, жумладан, пахтачилик ва тўқимачилик саноатида юксак суръатларда ривожланиб бораётгани бизни қувонтиради.

**Кук ХЮН, Корея саноат технологияси институти тадқиқотчиси (Жанубий Корея):**

– Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида ўз лойиҳаларимиз билан мунтазам иштирок этиб келамиз. Бу галги анжуманда тўқимачилик саноатида қўлланиладиган замонавий ускунани таклиф этдик. Жанубий Кореядан келган тўқимачилик компаниялари ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро фойдали музокаралар ўтказиб, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наманганда Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банки ўртасида 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси масалаларига бағишланган мулоқот бўлиб ўтди. Унда Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, фермерлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**• Жиззах вилояти ахборот-кутубхона марказида "Ўзбек тили – дунёда энг гўзал, жарангдор ва бой тил" деб номланган китоб кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тадбирда мустақиллик йилларида ўзбек тилида нашр этилган бадиий асарлар, илмий, илмий-техник китоблар ва дарслик намуналари намойиш этилди.**

**• "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти кенгаши ва "Камалак" болалар ташкилоти томонидан ўтказилган тадбир "Кексалар эъзозимизда" деб номланди. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси юзасидан ташкил этилган тадбир доирасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийлари ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олинди, совға-саломлар улашилиб, уй-жойларини яхшилашга кўмаклашилди.**

**• Наманганда бадиий гимнастика бўйича "Камолот" ғунчалари" республика очиқ турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада 60 дан зиёд гимнастикачи қиз булава, ҳалқа, тўп каби буюмларда бажариладиган машқлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Греция парламенти молиявий ёрдам кўрсатишнинг учинчи дастури доирасида кредит берувчилар томонидан кўзда тутилган шартларга доир кескин иқтисодиётнинг янги чораларини ўзида жамлаган қонунни маъқуллади. Ушбу қонунга кўра, бир қатор солиқлар миқдори оширилади, пенсияга чиқиш ёши 67 ёш деб белгиланади ҳамда солиқ қонунчилигини бузганлик учун кўриладиган чоралар қатъийлаштирилади. Янги қонун доирасидаги ушбу чора-тадбирлар Афинага 2 миллиард евро миқдоридаги навбатдаги кредит олиш имконини яратади.**

**• Американинг Калифорния штатида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган умуммиллий танловда маҳаллий фермер томонидан етиштирилган 893,1 килограммли қовоқ намойиши барчани ҳайратга солди.**



# ЎЗБЕКИСТОН – ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Айни пайтда мамлакатимизда пахта заводларини модернизация қилиш жараёни давом эттирилиб, замонавий ускуналар жорий қилинмоқда, янги корхоналар ишга туширилмоқда. Халқаро талабларга мувофиқ, пахтани полиэтилен ленталар ва юмшоқ контейнерларни қўллаган ҳолда тойлашнинг янги тизимига ўтилмоқда.

Шуни таъкидлаш кераккки, мамлакатимизда тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш, пахта толасини қайта ишлашни кенгайтириш ва юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Масалан, 90-йилларда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми атиги 7 фоизни ташкил қилган бўлса, соҳада амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар самарасида бугунги кунда бу кўрсаткич 40 фоиздан ошди. Яқин келажакда бу кўрсаткични 60 фоизга етказиш режалаштирилаётир.

Пахтани қайта ишлаш билан бир қаторда шойи ва гилам тўқиш соҳаси ҳам ривожланмоқда, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмлари, матолар, пайпоқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда.

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида тўқимачилик саноати улуши мунтазам ортиб бораётир. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қарийб уч мингта енгил саноат корхонасининг 312 таси "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти таркибига киради. Уларнинг юздан ортиғи ярмаркада ўз маҳсулотларини намойиш қилди.

– Сўнгги йилларда пахта ва тўқимачилик ярмаркасида фаол иштирок этиб келмоқдамиз, – дейди "Урганч Бахмал" масъулияти чекланган жамиятининг савдо бўйича менежери Шерзод Холмуродов. – Хорижлик ҳамкорларга корхонамизда ишлаб чиқарилаётган калава ва аралаш ип, газлама, шунингдек, ётоқ анжомлари ва махсус кийимларни таклиф этдик. Бугунги кунда маҳсулотимизнинг 20 фоиздан ортиғи экспорт қилинмоқда. Бу галги пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ҳамкорларимизни кўпайтириш, Польша, Россия ва бошқа мамлакатлар тадбиркорлари билан шартномалар тузиш имконини берди.

"Идеал" бренди остида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган "Истиқлол текстиль дизайн" масъулияти чекланган жамияти ҳам ярмарканинг фаол иштирокчиларидан. Наманган вилоятидаги замонавий корхоналардан бўлган ушбу жамият ички ва ташқи бозорга эллик турдан зиёд кийим-кечаклар етказиб бермоқда.

"Истиқлол текстиль дизайн" масъулияти чекланган жамиятининг логистика бўйича менежери Рустам Раҳимовнинг сўзларига кўра, корхона маҳсулотларининг қарийб 50 фоизи экспорт қилинмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида иштирок этиш корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш имконини бераётир. Жорий йилда корхона Россиянинг "Стиль М" тўқимачилик компанияси билан Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолади.

Тошкент вилоятида жойлашган "Plasteks" қўшма корхонаси калава, Жиззах вилоятидаги "Jizzax Plasteks" қўшма корхонаси сур ип ва трикотаж полотно экспорт қилмоқда.

– Ярмаркада нафақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, балки янги лойиҳа – Бўстонлиқ туманидаги калава ишлаб чиқарадиган фабрикани ҳам тақдим этдик, – дейди "Plasteks" қўшма корхонаси менежери Аброр Розиқов. – Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг катта қисми Хитой, Россия ва Европа давлатларига экспорт қилинмоқда. Ярмаркада калава ва полотно етказиб бериш бўйича умумий қиймати қарийб 30 миллион долларлик шартнома туздик.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу галги Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчиларни жорий йилдан амалга ошириш бошланган истиқболли инвестиция лойиҳалари билан таништириш имконини берди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея Президентларининг учрашувлари давомида эришилган келишувлар доирасида "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти Корея Республикасининг Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда амалга ошираётган ўқув-тадқиқот тўқимачилик технопарки лойиҳаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Мутахассисларнинг фикрича, мазкур технопаркнинг ташкил этилиши Ўзбекистонда тўқимачилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш учун илмий ҳамда технологик ресурслардан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Ярмарканинг хорижлик иштирокчилари Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёрлиги ва бундан манфаатдорлигини билдирди. Улар мамлакатимиз ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик соҳасини ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар тақдимот маросимларида иштирок этди, шунингдек, Тошкент вилоятидаги "Ўзбекистон" пахтани қайта ишлаш заводи, "Тошкенттола" пахта терминали ва "Ўзтекс-Чирчиқ" тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишди.

XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотларини сотиш бўйича бозор механизмларини янада ривожлантириш, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ҳамда уларнинг хорижлик ҳамкорлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

# СЎЗ – ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон пахтаси дунёдаги энг сара ва аъло сифатли пахта ҳисобланади. Жанубий кореялик тадбиркорлар ҳам юртингиз пахтасига катта қизиқиш билан қарайди.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми барқарор ўсиб бораётгани мамлакатингизда саноатни ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг юксак самараларидандир.

**Роналд ДЕНИС, "Global Fashion Management" компанияси раҳбари, мода саноати бўйича халқаро эксперт (Бельгия):**

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Мамлакатингизда бизнес учун яратилган қулай шароит ва сармоявий муҳит билан яқиндан танишдим. Ўзбекистонда пахта саноатини ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилаётган эътибор менда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси пахтачилик, тўқимачилик, шунингдек, мода ва дизайн йўналишида тажриба алмашиш имконини беради.

**Аҳад КЕРМАНИЙ, "Ferdows Textile" компанияси бошқарувчи директори (Эрон):**

– Ушбу ярмаркада ўн йилдан буён мунтазам қатнашиб келамиз. Анжуманнинг нуфузи ва иштирокчилари сони йил сайин ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. 2014 йили ўтган ярмаркада 1200 тонна ўзбек пахта толасини харид қилган эдик. Бу йил ушбу кўрсаткични 1500 тоннага етказишни мўлжаллаяпмиз.

Ўзбекистон пахтаси аъло сифати билан дунёга машҳур. Биз ҳам ишлаб чиқаришда юртингиз пахтасидан фойдаланамиз. Ярмаркага фаолиятимиз учун зарур хомашёни сотиб олиш мақсадида келдик. Муваффақиятли келишувларга эришганимиздан хурсандмиз.

**Маҳмут ГЎНДЎЗ, "Genel Tarim" компанияси вакили (Туркия):**

– Жаҳон пахта ва тўқимачилик саноатининг энг етакчи вакиллари ташриф буюрган ушбу нуфузли ярмаркада илк марта иштирок этдим. Ўзбекистонда пахта етиштириш, қайта тайёрлаш, харидорларга етказиб бериш жараёнидаги барча ишларга катта масъулият ва эътибор билан ёндашилишининг гувоҳи бўлдик.

Ўзбекистон пахта саноатини янада ривожлантириш борасида юксак натижаларга эришмоқда. Мамлакатингизда ҳар қандай истеъмолчининг талабига жавоб берадиган пахтанинг кўплаб навлари мавжуд.

Ярмаркада жаҳон пахта бозоридаги талаб ва таклифлар, нархлар коньюнктурасидаги ўзгаришлар, пахта ва тўқимачилик саноатидаги сўнгги тенденциялар ҳақида кенг маълумот олиш, ўзаро фойдали музокаралар ўтказиш имкониятига эга бўлганимиздан ғоят мамнунмиз. Мақсадимиз анъанага айланган ушбу ярмаркада фаол иштирок этиб, янги шериклар топиш, улар билан ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантиришдан иборат.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

Анжуманлар

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзархив" агентлиги томонидан "Архивларга келиб тушаётган сўровлар ижроси ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида архив хизматларини кўрсатиш масалалари" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.***

Тадбирда сўзга чиққан "Ўзархив" агентлиги бош директори ўринбосари Дилдора Кучарова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, фуқароларнинг ахборот олишга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга доимий эътибор қаратилаётгани, Ўзбекистон Республикасининг "Архив иши тўғрисида"ги, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар соҳа ривожида муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини таъкидлаб ўтишди.

Анжуман давомида архивларга келиб тушаётган сўровлар ижроси архив муассасалари томонидан маълумот тақдим этиш бўйича кўрсатиладиган хизматлардан бири бўлиб, сўровлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида тартибга солиниши айтиб ўтилди.

Мазкур қарорга мувофиқ архив ҳужжатларидан фойдаланиш ва ўқув залида фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш, ижтимоий-ҳуқуқий сўровларни бажариш, хусусан, 10 йиллик муддат учун меҳнат фаолияти ва иш ҳақини тасдиқлаш, юридик шахсни қайта номлаш, ўқув муассасаларида ўқиганликни тасдиқлаш, мукофотланганлик тўғрисидаги архив маълумотномаларини бериш, архив маълумотномалари ва архив ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини қоғозда ва электрон шаклда тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига тақдим этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мурожаатига кўра архив ҳужжатларини вақтинча фойдаланиш учун 3 ой муддатгача тақдим этиш, архивларни жамлаш манбаларидан Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритилган, белгиланган идоравий сақлов муддати тугаган ҳужжатларни тартибга келтирилган ҳолда доимий сақлаш учун қабул қилиб олиш хизматларини кўрсатиш бепул амалга оширилади.

Сўнгги йилларда архивларга келиб тушаётган сўровларнинг ортиши кузатилмоқда. Жумладан, мавзули сўровлар 2005 йилда 2552 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилда 7560 та, 2014 йилда 10918 та, 2015 йилнинг 9 ойи давомида 15 мингдан зиёдга етди. Ижтимоий-ҳуқуқий мавзулардаги сўровлар 2005 йилда 30 мингтани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида бу кўрсаткич 138 мингдан ошди.

"Ўзархив" агентлиги ҳамда архивларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушаётган сўровлар ижроси изчил таъминланмоқда.

Анжуман давомида "Сергели туманида Архив маълумотномаларини бериш интеграциялашган ахборот тизимини пилот тарзда жорий этиш" лойиҳаси тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди.

— "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг пенсияларини расмийлаштириш учун пенсия таъминоти органларининг талабномалари бўйича архив маълумотномаларини электрон шаклда етказиб беришнинг ахборот хизматларини жорий этиш бўйича мазкур намунавий лойиҳа амалга оширилди, — дейди "Ўзархив" агентлигининг бош мутахассиси Нодирбек Зуҳриддинов. — Меҳнат стажини тасдиқлашнинг кексалар учун энг қулай бўлган турли хил маълумотнома ва ҳужжатларни қоғоз шаклида олишни истисно этувчи механизм татбиқ қилинди. Тизимдан асосий мақсад фуқароларга бериладиган архив маълумотномалари электрон базасини яратиш орқали улардан кейинги фойдаланишда оперативликни таъминлаш, архив ҳужжатларига мурожаатларни камайтириш орқали уларга зарар етказилиши, фуқароларга маълумотномалар расмийлаштиришда ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишининг олдини олиш, маълумотномаларни ўрганиш билан боғлиқ айрим харажатлар (йўлкира ва ҳ.к.)ни камайтириш ҳамда иш вақтининг тежалишини таъминлашдан иборатдир.

Тадбирда Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси тизимидаги архив муассасаларига келиб тушаётган сўровлар ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида архив хизматларини кўрсатиш юзасидан ҳам атрофлича маълумотлар берилди.

Анжуман сўнгида иштирокчилар саволларига мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

**Зарина РУСТАМОВА**

***Ватан ичра кичик Ватан ҳисобланмиш маҳаллаларда бугун ҳар бир соҳада ибратли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса ўсиб келаётган ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, таълим-тарбияли, одоб-ахлоқли, жисмонан ва руҳан баркамол бўлиб вояга етишлари, оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир инсонда соғлом тафаккурни мустаҳкамлаш, она юрт тинчлиги, фаровонлигига ҳисса қўшишдек хайрли мақсад ва масъулият туйғусини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.***

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# ХОДИМЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Бу борада Юртбошимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича Ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган тизимли ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Ушбу Қарорда фуқаролар йиғинлари ходимларининг касбий ва бошқарув малакаларини янада ошириш, маҳаллаларга тизимли методик ёрдамни ташкил этиш, раҳбар ходимларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги малакалари, маънавий-маърифий билимлари ва касбий бошқарув кўникмаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашни амалга оширишда уларнинг масъулиятларини янада кучайтириш белгилаб қўйилган. Қарорга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш Ўқув курслари ташкил этилган. Ҳозирда ушбу курсларнинг моддий-техник базаси тўлиқ шаклланган бўлиб, ўқув жараёни энг замонавий компьютер техникалари орқали олиб борилади. Ушбу ўқув курсларида 2014 йил 24 февралдан шу кунгача жами 1500 нафар фуқаролар йиғинлари ходимлари машғулотларда фаол қатнашиб сертификатлар олдилар. Бундан ташқари, шаҳримиздаги энг намунали маҳаллаларда 70 дан ортиқ амалиёт соатлари ҳамда музейлар, театрлар, хиёбонлар, муборак қадамжоларга саёҳатлар ташкил этилиб, учрашувлар ўтказилди.

Куни кеча Ўқув курсларида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича Ўқув курсларида ўқитиш жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олган Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ органлари масалалари қўмитаси раиси Б. Матмуратов, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г. Алимова, Ўқув курслари директори С. Бабақулов, Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази профессори Ш. Файзиев ва бошқалар Юртбошимиз томонидан ўзини ўзи бошқариш органи–маҳаллаларга қаратилаётган катта эътибор, белгилаб берилган вазифаларнинг, давлатимиз ва жамиятимиз ҳаёти учун долзарблиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ёшларни маърифатли, маънавий-ахлоқли қилиб тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб- қувватлаш, фаоллигини ошириш, жамоатчилик назорати, табиатни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳаларидаги вазифаларни амалга оширишда билим ва кўникмаларини оширишлари айни мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтдилар.

Семинар-тренингда шаҳримиздаги 475 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, масъул котиблар ва "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси ва бошқа қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Ўз навбатида ўқув курслари машғулотларида қатнашган ходимлар ўқув жараёнининг янада такомиллаштирилиши бўйича фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдириб ўтдилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

Қиш тайёргарликни ёқтиради

# ШИРКАТЛАР ҚИШ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШДИ

***Об-ҳавонинг совиши коммунал соҳа вакиллари олдига қиш мавсумига тайёргарликни кучайтиришдек муҳим вазифани юклайди. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кўп қаватли уйларнинг том ва ертўла қисмларини ўз вақтида таъмирлашларини тақозо этади.***

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Тошкент шаҳрининг 11 та туманида жами 9125 та кўп қаватли турар жойлар бўлиб, уларга 2375 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатмоқда, шунингдек, 228 та бошқарув ва сервис компаниялари иш олиб бораяпти.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Чилонзор туманига йўл олдик.

Туман коммунал таъмирлаш ва аварияни тиклаш хизмати раҳбари А. Акмурадовнинг таъкидлашича, мавсумга тайёргарлик жараёнида 565 та кўп қаватли уйларнинг 79 166 квадрат метр том қисми жорий ва мукаммал таъмирланган, 779 та кўп қаватли уйларнинг ертўлалари тартибга келтирилган. Бундан ташқари 216 та уйнинг 11 минг 209 погон метр иссиқ сув тизимидаги тик қувурлар алмаштирилган. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида босим остида иссиқлик тизимини ювишга алоҳида эътибор берилди, шу сабабли 1091 та уйларнинг иссиқлик тизими ювилиб, 1274 та иссиқлик узеллари профилактик кўрикдан ўтказилди. 1168 та йўлак таъмирланиб, 463 та кодли қулфлар ўрнатилишига эришилди. Лифтларни таъмирлаш, йўлакларни тартибга келтириш ишлари ҳам амалга оширилган бўлиб, бу ишларга 6,3 миллиард сўм маблағ сарфланган, унинг 2,8 миллиард сўми мажбурий бадаллар, 3,4 миллиард сўми эса тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағларидир. Дарҳақиқат, кейинги пайтларда бундай ишларга жиддий эътибор қаратилгани ҳолда ҳар бир маҳаллага тижорат банклари бириктирилиб, уларга кредитлар ажратилиши йўлга қўйилди.

Кредитнинг афзаллик томони шунда бўлаяптики, маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва қайтарилиши банклар томонидан назоратга олиниб, аҳоли томонидан тўланаётган мажбурий бадаллар кўп қаватли уйларнинг ўзига сарфланишига эришилмоқда.

– Амалга оширилган ижобий ишларга қарамасдан айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас, — дея суҳбатни давом эттиради А.Акмуродов, — қўшимча хатлов натижасида аниқланган уйларнинг 8619 квадрат метр том қисмини, 85 та кириш йўлакларини таъмирлаш, 23 та кўп қаватли уйларнинг ертўласини тартибга келтириш ва 1646 погон метр иссиқлик қувурларини алмаштириш каби ишларни жорий йилнинг октябрь ойи охирига қадар якунига етказишимиз лозим.

Чилонзор тумани ХУЖМШ уюшмаси раиси М.Нуралиеванинг маълум қилишича, туманда 345 та ширкат фаолият олиб бораяпти, 32 та бошқарув сервис компанияси тузилган, ширкатлар ишига баҳо берганда шуни айтиш лозимки, шундан 324 та ширкатнинг фаолияти яхши ва қониқарли.

Туман ҳудуди 4 та секторга бўлинган, ҳар бир сектор ва маҳаллаларда штаблар ташкил этилган бўлиб, куз-қиш мавсумида ҳар куни навбатчилик ташкил этилади. Аҳоли томонидан қилинган мурожаатлар ҳар куни ўтказиладиган штаб йиғилишида таҳлил қилиниб, тегишли коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарга топшириқ берилиб, ижроси назоратга олинади.

М.Нуралиева билан биргаликда бир нечта ширкатлар фаолияти билан танишдик. Бугунги кунда туманда ўз ишини яхши йўлга қўйган ширкатлар кўплаб учрайди, шулардан бири "Навбаҳор" маҳалласида жойлашган Марказ мавзесидаги 38-39- уйларга хизмат кўрсатувчи "Чин бахт сервис" ХУЖМШдир. Аҳоли ва ширкат томонидан ҳамкорликда қилинган ишларни кўриб, беихтиёр ҳавасингиз келади. Ертўла ва йўлаклар чиннидай тоза, уй атрофида болалар майдончаси барпо этилган. 2004 йили ташкил этилган бу ширкатга Роза Дубовихина раислик қилаяпти. 9 қаватли уй, 4 та йўлак, 72 хонадондан иборат уйда аҳолининг аҳилликда иш олиб боргани учун яхши натижаларга эришилаяпти. Роза опанинг айтишича, йиғилган пуллар мақсадли сарфланади. Марказ мавзесидаги яна бир 14-уйга "Сифат коммунал сервис" ХУЖМШ хизмат кўрсатади. Энг муҳими, ширкат фаолиятидан аҳоли мамнун. Бир пайтлар ертўласи сув билан тўла бўлган ва бошқа муаммоларга эга бу уй бугун ўзгача кўриниш олган. Айни пайтда ширкатга Т.Туменова раҳбарлик қилаяпти, ертўла қувурлари алмаштирилгани учун бугун қуп-қуруқ, тоза, том қисми ҳам таъмирланган, чакка ўтмайди. Ҳар бир иш назоратда.

— Албатта, туманимизда ўз фаолиятини маромида олиб бормаётган ХУЖМШлар ҳам йўқ эмас. Улар билан алоҳида иш олиб бораяпмиз, — дейди М.Нуралиева, — келгусида аҳолига тушунтиришлар олиб бориш йўли билан уларнинг ишини яхшилашни кўзда тутганмиз.

Доимий равишда туман ҳудудининг тозалигини сақлаш, санитар ҳолатини яхшилаш мақсадида ҳар куни Ободонлаштириш бошқармасининг 5 та трактори, 15 та тиркамаси, "Махсустранс" корхонасининг 35 та чиқинди йиғиш машиналари жалб қилинган ҳолда иш олиб бориляпти.

Ҳа, тез орада куз ўз ўрнини қишга бўшатиб, совуқ кунлар бошланади. Халқимизда "қиш ғамини ёзда е", деган пурмаъно гап бор. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, иссиқ кунларда қишга тайёрланиб, шароитини яхшилаб олган хонадонлар, корхона ва ташкилотларда мавсумда муаммога ўрин қолмайди.

**Зокиржон ҚЎЗИБОЕВ**

# ТИЛ БИЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

*Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.*
*Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.*
*Мактаб ишлари давлат назоратидадир.*
***Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 41-модда***

Ўқитувчи ўйин шартларини тушунтиргач, икки ўқувчи доска ёнига чиқади.

– One's native country, – дейди Нозима қўлидаги таёқча билан доскага осилган "Ўзбекистон" харитасига ишора қиларкан. Болаларга юзланиб турган Баҳодир ушбу таърифга муносиб сўз топади:

– Motherland.

Нозима доскага илинган мактаб, гул, дафтар, қалам суратларини бирма-бир таърифлайди. Шериги изоҳланаётган сўзни айтади. Ўқитувчи болаларнинг билимини баҳолайди. Синф доскасига яна суратлар осилади ва навбатдаги жуфтлик таклиф қилинади...

Бугун мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борманг, жажжи кичкинтойлар инглиз тилидаги "father", "mother", "motherland" каби сўзларнинг ота, она, Ватан каби улуғ тушунчаларни англатишини яхши билади. Зотан, болалар боғчалардаги машғулотларданоқ, мактабларда биринчи синфда турли ўйинлар асосида инглиз тилининг сеҳрли оламига олиб кирилмоқда. Ўтказилаётган фан олимпиадалари, турли кўрик-танловлар, фестиваллар ўқувчи-ёшларнинг чет тилига доир билимларини янада бойитишга хизмат қилаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ўғил-қизларнинг хорижий тилларни пухта ўзлаштириши ва ўз салоҳиятини намойиш этишида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Қарорга мувофиқ чет тили ўқитувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг маошига қишлоқ жойларда 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз миқдорида қўшимчалар берилмоқда. Бу масъулиятли ва шарафли касб соҳибларини ўз устида тинимсиз ишлашга, баркамол авлод тарбиясида янада фаол бўлишга ундамоқда.

Жорий йилда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 256-умумтаълим мактаби биринчи синфига қабул қилинган 102 нафар ўғил-қиз ҳам инглиз тилини ўрганмоқда.

– Инглиз тилини ўқитишда болаларнинг қизиқишини кучайтирадиган, уларни зериктирмайдиган интерфаол усуллардан кенг фойдаланмоқдамиз, – дейди ўқитувчи Зулайҳо Норбекова. – Жумладан, "Таъриф беринг", "Чалкаш сўз", "Девор бўйлаб", "Ҳарфлар оролчаси", "Асалари" каби ўйинлар бошланғич синф ўқувчиларининг чет тилида фикрлаш қобилиятини ўстиришга, сўз бойлигини оширишга хизмат қилмоқда.

– Таълим даргоҳимизда инглиз тилини ўқитиш замонавий асосда олиб борилмоқда, – дейди мактаб директори Гулбаҳор Темирова. – Дарсларда замонавий ахборот технологиялари – компьютерлар, электрон доскалар, прожекторлардан унумли фойдаланилаётир. Ахборот-ресурс марказимизда инглиз тилидаги турли илмий-оммабоп ва маърифий кўрсатувларни кўриш, бадиий ва мультипликацион фильмларни томоша қилиш, чет давлатларда нашр этилаётган газета-журналлар билан танишиш имкони яратилгани ўқувчиларга сўз бойлигини оширишда, тўғри талаффуз қилишни ўрганишда, оғзаки нутқини яхшилаш ва дунёқарашини кенгайтиришда қўл келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда хорижий тиллар таълими изчил ва янги босқичда олиб борилаётгани чет эллардаги тенгдошлари билан барча соҳаларда бўйлаша оладиган, изланувчан, Ватанимиз довруғини оламга ёядиган ёшларни вояга етказишдек эзгу мақсадга хизмат қилаётир.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР /

### *ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР ОЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!*

Фуқаролар ўзларининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйларидаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Сергели тумани, Қўйлиқ-5 даҳаси ва Юнусобод тумани, Ҳасанбой даҳасидан (мўлжал: "Ёшлик" спорт мактаби ҳудудидан ва 5-даҳадаги иссиқхона ҳудудидан) ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота туманидан (мўлжал: Ҳасанбой-5 даҳаси қаршисидаги ҳудуддан, Сергели туманидаги машина бозори рўпарасидан) якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 239-35-06
(+99894) 688-88-77
(+99890) 357-95-96

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### "AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2015 йил 19 ноябрь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Миробод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборида сақланаётган, 12.05.2014й. кунги 16186-сонли ижро варақа, 2000 йилда и/ч дав.-бел. 01/B285NA бўлган "Ваз 21063" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 979 244 сўм.

2015 йил 3 ноябрь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Миробод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган: 1. 29.11.2013й. кунги 39618/19-сонли ижро варақа, 2002 йилда и/ч дав.бел. 85/K775BA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 35 978 339 сўм. 2. 29.11.2013й. кунги 39616/19-сонли ижро варақа, 1981 йилда и/ч дав.-бел. 01/Q079HA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 676949 сўм. 3. 16.04.2012й. кунги 13368/5-сонли ижро варақа, 1990 йилда и/ч дав.бел. 10/987FAA бўлган "Газ 53" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 5 181 153 сўм. 4. 16.04.2012й. кунги 13368/5-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав.бел. 01/Q585CA бўлган "CHANASC-6382" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 035 029 сўм. 5. 30.10.2013й. кунги 36235/19-сонли ижро варақа, 2004 йилда и/ч дав-.бел. 10/Y051DA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 275 003 сўм. 6. 20.02.2014й. кунги 5668/6-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/Y426NA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 053 248 сўм. 7. 22.01.2014й. кунги 2273/19-сонли ижро варақа, 1978 йилда и/ч дав.бел. 10/J106FA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 4 805 324 сўм. 8. 22.01.2014й. кунги 2263/19-сонли ижро варақа, 1983 йилда и/ч дав.бел. 10/H045HA бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 980 996 сўм. 9. 15.04.2011 й. кунги 5867/21-сонли ижро варақа, 1989 йилда и/ч дав.бел. 30/A3258 бўлган "Заз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 384 768 сўм. 10. 6.09.2013й. кунги 32175/6-сонли ижро варақа, 1998 йилда и/ч дав.бел. 90/W136CA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 671 700 сўм. 11. 7.12.2010й. кунги 16024/21-сонли ижро варақа, 1986 йилда и/ч дав.бел. 30/I7458 бўлган "Заз-968" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 140 195 сўм. 12. 20.10.2014й. кунги 33301/19-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав.-бел. 30/T2191 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 190 133 сўм. 13. 5.12.2014й. кунги 40355/19-сонли ижро варақа, 2012 йилда и/ч дав.бел. 10/M404GA бўлган "Спарк" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 567 554 сўм. 14. 20.10.2014й. кунги 33305/19-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав.бел. 70/P604HA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 535 157 сўм. 15. 20.10.2014й. кунги 33299/19-сонли ижро варақа, 1997 йилда и/ч дав.бел. 01/R586MA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 899 503 сўм. 16. 20.10.2014й. кунги 33300/19-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав.бел. 60/Q554EA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 279 298 сўм. 17. 20.10.2014й. кунги 33296/19-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/B725OA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 899 988 сўм. 18. 20.10.2014й. кунги 33298/19-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/T140KA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 453 896 сўм. 19. 5.12.2014й. кунги 40354/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/C810PA бўлган "Матиз бест" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 304 500 сўм. 20. 5.12.2014й. кунги 40364/19-сонли ижро варақа, 1999 йилда и/ч дав.бел. 01/Y972MA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 288 883 сўм. 21. 20.10.2014й. кунги 33308/19-сонли ижро варақа, 2004 йилда и/ч дав.бел. 30/P7714 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 043 848 сўм. 22. 05.12.2014й. кунги 40358/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 10/L474HA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 39 439 250 сўм. 23. 5.12.2014й. кунги 40353/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 10/T425GA бўлган "ГБА СПГ Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 29 609 684 сўм. 24. 5.02.2015й. кунги 1902/19-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав.бел. 01/Q892BA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 472 072 сўм. 25. 10.03.2015й. кунги 7245/19-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав.бел. 01/Z093JA бўлган "Матиз бест" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 961 025 сўм. 26. 5.12.2014й. кунги 40363/19-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/A029RA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 641 091 сўм. 27. 21.05.2015й. кунги 10565/19-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав.бел. 01/T896OA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 968 283 сўм. 28. 24.04.2015й. кунги 9247/6-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав.бел. 01/D638KA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 302 982 сўм. 29. 30.01.2015й. кунги 1522/19-сонли ижро варақа, 2012 йилда и/ч дав.бел. 01/F182NA бўлган "Матиз бест" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 494 246 сўм. 30.21.01.2015й. кунги 609/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/O082OA бўлган "Спарк М300" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 787 561 сўм. 31. 21.05.2015й. кунги 10562/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/H992KA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 041 816 сўм. 32. 9.04.2015й. кунги 8429/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.-бел. 01/O531FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 445 132 сўм. 33. 21.01.2015й. кунги 613/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 10/C455EA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 50 998 176 сўм. 34. 17.06.2015й. кунги 16021/6-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 10/E101EA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 408 500 сўм. 35. 21.01.2015й. кунги 634/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 10/Y740CA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 281 433 сўм. 36. 30.01.2015й. кунги 1527/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/O636JA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 854 332 сўм. 37. 21.01.2015й. кунги 637/19-сонли ижро варақа, 2012 йилда и/ч дав.бел. 01/P592NA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 766 384 сўм. 38. 21.01.2015й. кунги 7466/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/C166RA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 500 000 сўм. 39. 21.01.2015й. кунги 10564/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/B254NA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 486 558 сўм. 40. 21.01.2015й. кунги 10557/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 40/U413CA бўлган "Спарк" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 30 798 176 сўм. 41. 9.04.2015й. кунги 8431-32/19/19-сонли ижро варақа, 2004 йилда и/ч дав.бел. 01/448HCA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 125 189 сўм. 42. 9.04.2015й. кунги 8431-32/19/19-сонли ижро варақа, 2002 йилда и/ч дав.бел. 01/539HCA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 857 128 сўм. II. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган, 11.02.2014й. кунги 729/5-сонли ижро варақа: 1. 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/O190AA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 6 569 529 сўм. 2. 1992 йилда и/ч дав.бел. 10/AN808 бўлган "Газ 31029" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 778 510 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

*Гувоҳнома: 006388.*

### "REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Бектемир тумани СИБ томонидан такроран савдога қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази далилларни сақлаш майдончасида сақланаётган: **1.** 14.09.2009 йилдаги 1-674-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 769 324,8 сўм, 1963 йилда и/ч., дав/рақ: 11K2070 бўлган, "М-21 УС" русумли носоз; **2.** 16.02.2010 йилдаги 1-45-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 116 557,4 сўм, 1987 йилда и/ч., дав/рақ: 11I1541 бўлган, "Москвич-412" русумли носоз; **3.** 22.08.2013 йилдаги 1-216-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 63 275 637,9 сўм, 1999 йилда и/ч., дав/рақ: 01O090BA бўлган, "Мерседес Бенц" русумли носоз; **4.** 7.03.2012 йилдаги 2-24-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 577 453,8 сўм, 1983 йилда и/ч., дав/рақ: 11X8782 бўлган, "Москвич-412" русумли носоз; **5.** 12.02.2013 йилдаги 1-13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 2 968 248,7 сўм, 1991 йилда и/ч., дав/рақ: 01/823 NBA бўлган, "ГБАСПГ КАВЗ 3271" русумли носоз; **6.** 12.02.2013 йилдаги 1-13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 1 581 399,4 сўм, 1987 йилда и/ч., дав/рақ: 01/935 TBA бўлган, "ГБАСПГ ГАЗ 5202" русумли носоз; **7.** 7.05.2014 йилдаги 1-363-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 24 180 000 сўм, 2005 йилда и/ч., дав/рақ: 01V832HA бўлган, "Нексия" русумли; **8.** 14.03.2014 йилдаги 1-30-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 2 833 710 сўм, 1980 йилда и/ч., дав/рақ: 01S513EA бўлган, "ГБАСПГ ГАЗ 24" русумли; **9.** 26.11.2013 йилдаги ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 26 349 100,4 сўм, 2006 йилда и/ч., дав/рақ: 10Q342FA бўлган, "Нексия" русумли; **10.** 11.04.2014 йилдаги 1-306-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 29 569 109,8 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 10E718GA бўлган, "Нексия" русумли; **11.** 8.04.2013 йилдаги 1-74-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 3 062 774,1 сўм, 1977 йилда и/ч., дав/рақ: 10R769CA бўлган, "ВАЗ-2103" русумли; **12.** 26.11.2013 йилдаги 1-414-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 20 670 639,60 сўм, 2007 йилда и/ч., дав/рақ: 01V984AA бўлган, "Матиз" русумли; **13.** 14.03.2014 йилдаги 1-30-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 3 139 680 сўм, 1990 йилда и/ч., дав/рақ: 10R095EA бўлган, "ГАЗ 24" русумли; **14.** 13.03.2014 йилдаги 1-183-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 17 562 237,2 сўм, 2006 йилда и/ч., дав/рақ: 01X153EA бўлган, "Матиз" русумли; **15.** 20.05.2014 йилдаги 1-126-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 29 760 000 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 01C274KA бўлган, "Нексия" русумли автотранспорт воситалари.

**Аукцион савдоси 2015 йил 5 ноябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.**

Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Мирobod тумани СИБ томонидан савдога қуйидаги мулклар қўйилмоқда: **I.** Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази далилларни сақлаш майдончасида сақланаётган: **1.** 5.12.2014 йилдаги 40352/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 6 776 366 сўм, 1987 йилда и/ч., дав/рақ: 01A839QA бўлган, "ГБА СПГ ВАЗ-21063" русумли; **2.** 5.12.2014 йилдаги 40361/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 14 281 160 сўм, 2007 йилда и/ч., дав/рақ: 01F286EA бўлган, "ВАЗ-2107" русумли; **3.** 16.02.2015 йилдаги 2158/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 5 748 314 сўм, 1987 йилда и/ч., дав/рақ: 10O127AA бўлган, "ВАЗ-2106" русумли; **4.** 5.12.2014 йилдаги 40357/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 9 006 783 сўм, 2001 йилда и/ч., дав/рақ: 01H780NA бўлган, "ВАЗ-2106" русумли; **5.** 25.03.2014 йилдаги 11584/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 9 136 403 сўм, 1998 йилда и/ч., дав/рақ: 01X726NA бўлган, "ТИКО" русумли; **6.** 12.05.2014 йилдаги 16189/6-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 14 705 446 сўм, 2006 йилда и/ч., дав/рақ: 01X387GA бўлган, "МАТИЗ Бест" русумли; **7.** 28.04.2014 йилдаги 13987/6-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 15 986 346 сўм, 2009 йилда и/ч., дав/рақ: 01H051CA бўлган, "МАТИЗ" русумли; **8.** 12.05.2014 йилдаги 16190/6-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 2 256 270 сўм, 1975 йилда и/ч., дав/рақ: 01U894PA бўлган, "ВАЗ-21011" русумли; **9.** 12.05.2014 йилдаги 16187/6-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 9 285 372 сўм, 1998 йилда и/ч., дав/рақ: 50T514GA бўлган, "ВАЗ-2106" русумли техник носоз автотранспорт воситалари; **II.** "SPACA ARSENAL SERVICE"МЧЖ омборхонасида сақланаётган: **1.** 26.08.2011 йилдаги 15694/21-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 3 384 718 сўм, 1981 йилда и/ч., дав/рақ: 11Z5740 бўлган, "BMW-316" русумли; **2.** 11.08.2014 йилдаги 23697/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 6 954 893 сўм, 1995 йилда и/ч., дав/рақ: 01G032HA бўлган, "ВАЗ-21099" русумли; **3.** 11.08.2014 йилдаги 23696/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 5 244 342 сўм, 1980 йилда и/ч., дав/рақ: 01G306QA бўлган, "ГБА СПГ ВАЗ-2106" русумли; **4.** 11.08.2014 йилдаги 23706/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 51 579 958 сўм, 2009 йилда и/ч., дав/рақ: 01/909SAA бўлган, "Каптива" русумли; **5.** 11.08.2014 йилдаги 23695/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 14 838 842 сўм, 1998 йилда и/ч., дав/рақ: 01L470HA бўлган, "ГБА СПГ ВАЗ-2107" русумли; **6.** 28.08.2014 йилдаги 24129/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 21 368 739 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 01T237AA бўлган, "Нексия Сонс" русумли; **7.** 11.08.2014 йилдаги 23693/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 17 217 385 сўм, 2001 йилда и/ч., дав/рақ: 30/090TTE бўлган, "Нексия" русумли; **8.** 11.08.2014 йилдаги 23686/6-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 4 574 779 сўм, 1974 йилда и/ч., дав/рақ: 01V046JA бўлган, "ВАЗ-2103" русумли; **9.** 11.08.2014 йилдаги 23687/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 15 168 671 сўм, 2006 йилда и/ч., дав/рақ: 01G593KA бўлган, "МАТИЗ" русумли; **10.** 1.06.2012 йилдаги 18927/6-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 641 016 сўм, 1985 йилда и/ч., дав/рақ: 01Q293CA бўлган, "Москвич-412" русумли; **11.** 11.08.2014 йилдаги 23694/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 21 431 289 сўм, 2013 йилда и/ч., дав/рақ: 01/343TTD бўлган, "Матиз Бест" русумли техник носоз автотранспорт воситалари; **III. 1.** Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Тинчлик маҳалласи, Наврўз кўчаси манзили бўйича сақланаётган: 10.09.2009 йилдаги 10880/11-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 11 863 978 сўм, 1982 йилда и/ч., дав/рақ: 30B1963 бўлган, "МАЗ-35334" русумли автотранспорт воситаси; **2.** "Зафар-И"ХИЧТК божхона омборида сақланаётган: 29.04.2013 йилдаги 11242/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 43 559 936 сўм бўлган, "СР 416" русумли плуг; **3.** Ўз.Рес.МХХ Тошкент вилояти бошқармасида сақланаётган 14.05.2014 йилдаги 16192/19-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 1 318 102 сўм, 1987 йилда и/ч., дав/рақ: 1D205 бўлган, "ЯВА 350" русумли мотоцикл савдога қўйилмоқда.

**Аукцион савдоси 2015 йил 25 ноябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000104996600001, МФО: 01101, ИНН: 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13.

*Гувоҳнома № 006795.*

***Азал-азалдан халқимиз кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келган. Айниқса, жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилингани уларга бўлган эҳтиромни яна бир карра оширди.***

"Камолот" лойиҳалари

# НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗИМИЗДА

Бундай юксак масъулиятни адо этишда "Камолот"чи ёшлар ҳам фаол ҳаракатда. Зеро, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Нуронийлар эъзозимизда" лойиҳаси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди.

Ушбу лойиҳани татбиқ этишдан асосий мақсад – "Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан ёшларни катталарга ҳурмат, кексаларни эъзозлаш ва уларга нисбатан меҳр-мурувват руҳида тарбиялаш, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, турар жойлари таъмирга муҳтож ва маиший шароити яхши бўлмаган ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларининг уй шароитларини яхшилашга кўмаклашишдан иборат.

Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларида "Нуронийлар эъзозимизда" лойиҳаси бўйича жами 487 та ёшлар гуруҳлари ташкил этилди. Мазкур гуруҳларга 5142 нафар ёшлар жалб қилинган.

Пойтахтимизда "Нуронийлар эъзозимизда" лойиҳаси доирасида 159 нафар ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиниб, эсдалик совғалари тақдим этилди.

Жумладан, "Камолот" ЁИҲ Миробод туман Кенгаши томонидан "Олтинкўл" маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Равел Баширов ва "Файзиобод" маҳалласидаги Отамурод Уллаевлар хонадонида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди.

Бу ташриф давомида нуронийлар уруш йилларидаги кечинмаларни хотирлаб, ҳозирги ёруғ кунларнинг қадрига етиш муҳимлигини ёшларга уқтириб ўтишди. Ташриф якунида кексаларга совғалар топширилди. Қўллар дуога очилди. Бу каби савобга йўғрилган лойиҳалар келгусида ҳам давом этади.

**Наргиза КАРИМОВА,**
**Тошкент Фармацевтика институти талабаси**

Кўргазмалар

# ТУЙҒУЛАР ДУНЁСИ

***Тошкент Фотосуратлар уйида Аслиддин Калоновнинг "Туйғулар дунёси" деб номланган кўргазмаси очилди.***



Аслиддин Калонов Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини, сўнгра А.Островский номидаги Тошкент театр-рассомчилик институтини битирган. Айни дамда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга сабоқ бериб келмоқда.

– Мамлакатимизда санъатнинг барча йўналишлари каби тасвирий санъат соҳасида фаолият олиб бораётган рассомларнинг ижод қилишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилганини ҳамда уларнинг эътиборда эканлиги биз рассомларга чексиз илҳом бағишлайди, — дейди Аслиддин Калонов. – Асарларимда туйғулар фалсафаси, бетакрор она юрт манзараларини ифодалаганман. Ҳар бир асаримда муқаддас заминимизнинг гўзаллигини, фасллар ранг-баранглигини, эзгулик ва яхшиликни тасвирлашга ҳаракат қилганман. Аслида биз рассомлар учун шундай жаннатмакон диёрда яшаб, ижод қилишнинг ўзи катта бахт...

Дарҳақиқат, асарларни томоша қилар экансиз, рассом ва табиат ўртасидаги узвийликни англай бошлайсиз. Фаслларнинг уфуриб турган нафасидан баҳраманд бўлгандай таассурот оласиз. Баҳорнинг жозибаси, кузнинг сеҳри, қишнинг зийнати, тўкин-сочин ёз фаслининг тафти қалбингизга сокинлик ва ором бағишлайди.

А.Калоновнинг рангтасвир асарлари кўргазманинг асосий қисмини эгаллаган. Айнан шу чизгиларида ҳаёт қадри, ўтмиш ва келажак ўртасидаги алоқалар, яхши ва ёмоннинг доимий кураши, тарихий меросимизнинг ноёблиги, миллий қадриятларимизнинг қадри ўз аксини топган.

– Устозимизнинг асарларини томоша қилар эканман, қалбимда ўз касбимга бўлган меҳр ва иштиёқим янада алангаланади, – дейди Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Дилафруз Исоқова. – Ушбу асарлар чуқур фалсафий маънога эга. Биз ёшлар ҳам ўқитувчимиз издошлари бўлишга ҳаракат қиламиз.

Ҳар бир рассом ўз бўёқларида эзгуликни тасвирлашга, яхшиликни тарғиб этишга ҳаракат қилади. Зеро, бу асарлар униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида энг эзгу хислатларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Аслиддин Калоновнинг 150 дан ортиқ рангтасвир ва графика асарларида ҳам инсон ҳаёти ва бахтли келажак, табиат ва инсон ўртасидаги ўзаро уйғунлик яхшилик, гўзаллик тантана қилади. Асарлар инсонларни нафақат она табиатни севишга, балки бирбирларига меҳр-муҳаббат билан қарашга, она Ватанни қадрлашга, миллий анъаналаримизга содиқ қолишга чорлайди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа**

# БОЛАЖОНЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН "КАМАЛАК"

***Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида "Камалак" ташкилотига аъзоликка қабул қилинган ўқувчиларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.***

Тадбирда шаҳримизнинг барча туманларидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, ўқитувчилар ва фаол ёшлар иштирок этди.

"Мен "Камалак" аъзосиман" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққан Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Фурқат Маҳмудхўжаев, Тошкент шаҳар "Камалак" болалар ташкилоти раиси Бобур Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини қайд этишди.

"Камалак" болалар ташкилотига янги аъзо бўлган ўқувчи-ёшлар Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг неъматларини асраб-авайлашга, қадрига етишга, баркамол авлод истиқболи йўлида яратилаётган имконият ва шароитларга муносиб фарзандлар бўлишга тантанали қасамёд қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Камалак" болалар ташкилоти ўғил-қизларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришда яқиндан кўмаклашмоқда. Шу билан бирга мазкур ташкилот томонидан ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, ёш авлодни миллий қадриятларимизга ёт ғоялар таъсиридан муҳофаза қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқатли этиб тарбиялашга қаратилган кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

— Бугун юртимизнинг энг гўзал гўшаси, пойтахтимизнинг юраги саналган "Мустақиллик ва эзгулик монументи"ни зиёрат қилиб, "Камалак"ка аъзо бўлганим ҳаётимдаги энг унутилмас кунга айланди, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 256-умумтаълим мактаби ўқувчиси Элдор Омонов. – "Камалак" юлдузлари" болалар ижодиёт фестивалининг шаҳар босқичида тасвирий санъат йўналиши бўйича иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритдим. Ўтган йили "Билимлар беллашуви"да рус тили фани бўйича иштирок этиб, совринли ўринга сазовор бўлдим. "Камалак"ка аъзо бўлиб, дарсдан кейинги бўш вақтларимда турли тўгаракларга қатнашмоқчиман. Санъат ва спортга ихтисослаштирилган машғулотлар билан шуғулланмоқчиман.

Жорий йилда ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган 17 мингдан зиёд ёшларни аъзоликка бирлаштирган ташкилот томонидан ўтказилаётган турли маърифий тадбирлар ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ва унумли ташкил этиш, ёш авлод қалби ва онгини миллий қадриятларимизга ёт ғоялар таъсиридан муҳофаза қилишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

— Мактабларда таҳсил олаётган ўғил-қизларнинг ҳар жиҳатдан баркамол тарзда вояга етишига кўмаклашиш мақсадида жорий йилда турли лойиҳалар асосида тадбирлар ўтказилди, — дейди Тошкент шаҳар "Камалак" болалар ташкилоти раиси Бобур Мирзаев. — "Ёшлар турли иллатларга қарши", "Камалак" билимдонлари", "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар", "Ёзни "Камалак" ва "Камолот" билан" лойиҳалари доирасида бўлиб ўтган учрашув ва давра суҳбатлари барчада катта таассурот қолдирмоқда. "Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун" шиори остидаги "Камалак" болалар ташкилотининг анжумани, "Онажон мўътабар", "Камалак"да Янги йил" лойиҳалари ҳам анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда. Мақсад – ёшлар қалбида юртимизда амалга оширилаётган islоҳотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, уларни эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш, ўғил-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш ва рўёбга чиқаришдан иборат.

Тадбир доирасида иштирокчиларга "Камолот" кутубхонаси"дан китоблар совға қилинди. Тадбир иштирокчилари "Мустақиллик ва эзгулик монументи" пойига гулчамбарлар қўйишди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

Спорт янгиликлари

# ЎСМИРЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

***Таиланднинг Бангкок шаҳрида ташкил этилган дзюдо бўйича Осиё чемпионатининг кадетлар ўртасидаги баҳсларида ғолиб ва совриндорлар номи аниқланди.***

Қувонарлиси, ушбу мусобақада қатнашган ўсмирларимиз учта олтин, битта кумуш ва тўртта бронза медалларни қўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди.

Дастлаб 73 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги баҳсларда татамига чиққан Жасур Содиқов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлган бўлса, 81 килограммгача вазнда Шерхон Тўрабоев ҳам шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди. Қизлар баҳсларида эса истеъдодли вакиламиз Санобар Султонова (-52 кг) терма жамоамиз ҳисобига навбатдаги олтин медални қўшиб қўйди.

Таъкидлаш жоизки, Бангкокдан Осиё чемпиони бўлиб келган Жасур Содиқов ва Шерхон Тўрабоевлар Босния ва Герцеговинанинг Сараево шаҳрида бўлиб ўтган кадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам муносиб иштирок этган ҳолда совриндорлар қаторидан жой олган эди.

***Тошкентдаги "Жар" стадионида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси назорат баҳсида "Навбаҳор" футбол клубига қарши майдонга тушди.***

# ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИДАГИ ҒАЛАБА

Анчайин қизиқарли тарзда ўтган мазкур ўйинда олимпиячиларимиз ғалаба қозонди. Ўйин тақдирини ҳал қилган ягона голга заҳирадан майдонга туширилган "Металлург" жамоаси ҳужумчиси Шоҳназар Норбеков муаллифлик қилди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси таркибидан А.Муҳаммедов, Б.Йўлдошев, М.Фомин, Д.Туропов, А.Алимов, Ж.Абдумўминов, Ж.Машарипов, Н.Павленко, И.Алибоев, Ж.Ҳакимовлар ўрин олди. Иккинчи бўлимда заҳирадаги футболчиларни синаб кўриш истагида бош мураббий Виктор Жалилов бир қатор ўзгаришларни амалга оширди. Айниқса, шу куни заҳирадан ўйинга қўшилган Жамшид Искандаров ва Шоҳназар Норбековлар ўйинга тезда киришиб кетган ҳолда жамоа ҳужумини кучайтиришга эришди.

Виктор Жалилов танлаган таркибга эътибор қаратилса, жамоа аъзоларининг асосий қисми ўз ёш тоифалари бўйича жаҳон чемпионатларида муносиб иштирок этган иқтидорли футболчилардан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

# БОЛАЛАР ФУТБОЛИГА ЭЪТИБОР

***Пойтахтимиздаги футбол клублари тарбияланувчилари ўртасида Тошкент шаҳар биринчилигининг 2-босқич навбатдаги тур учрашувлари голларга бой бўлди.***

"Бунёдкор-А" бу гал ўз майдонида "Локомотив" клубининг турли ёш тоифасидаги жамоаларини қабул қилди. "Бунёдкор-Б" эса "РОЗК" меҳмони бўлди. Эслатиб ўтамиз, "Бунёдкор"нинг 2003 йилда туғилган футболчилари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида Мухтор Ўразалиев хотирасига бағишлаб ўтказилаётган халқаро турнирда қатнашаётганликлари боис шу ёшдаги болалардан тузилган жамоаларнинг ўйинлари бошқа кунга қолдирилди.

Шу куни олтита ёш тоифасида учрашувлар ўтказилди. Аҳамиятлиси, ушбу олтита беллашувнинг бештасида бунёдкорчилар зафар қучишди. Меҳмонлардан фақатгина 2004 йилдаги болалар жамоаси уйга ғалаба билан қайтишга эришди. Ўзаро учрашувларда қалдирғочлар 15, темирйўлчилар 3 очко тўплашди. "Бунёдкор-А"нинг энг йирик ғалабаси 2000 йилда туғилган болалар ўйинида қайд этилди – 6:0.

"Бунёдкор-Б" жамоалари эса бу турда "РОЗК" меҳмони бўлишди. Жисмоний томондан яхшироқ тайёргарлик кўрган "РОЗК" бу турда қалдирғочларни 4 марта мағлуб этиб, 1 ўйинда мағлубиятга учради. Ўн тўрт ёшли болалар баҳсида эса кучлар тенг келди – 1:1. "РОЗК"нинг 2000, 2002, 2005 йиллардаги жамоалари йирик ҳисобларда ғалаба қозонишни уддалади.

***Аёллар футболи бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига баҳслари ўзининг якуний палласига кирди.***

# ЧЕМПИОНАТ ПЕШҚАДАМЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Мусобақа жадвали етакчиси Қаршининг "Севинч" жамоаси 18-тур доирасида Бекободнинг "Металлург-woman" жамоасини ўз майдонида қабул қилди. Турнирда иккинчи поғонада бораётган бекободлик қизлар мазкур турга қадар "Севинч" клубидан беш очко ортда боришаётган эди. Агар сафардаги баҳсда "Металлург-woman" ғалаба қозонса ўртадаги фарқ бор-йўғи икки очкони ташкил қилган бўлар эди. Аммо амалда бундай бўлиб чиқмади. Қаршидаги учрашув 2:1 ҳисобида мезбонларнинг фойдасига ҳал бўлди.

Бевосита ўйинга тўхталсак, ўртага чемпионлик масаласи қўйилгани сабаб ҳам жамоалар эҳтиёткор ўйин намойиш этишди. Тошкентлик ҳакам Жалолиддин Ҳуснитдинов бошқариб борган ўйин тенгма-тенг курашлар остида кечган бўлишига қарамай, таркиб жиҳатидан устунроқ ҳисобланаётган "Севинч" якунда Маҳлиё Сарикова ҳамда Зебо Жўраеваларнинг голлари эвазига ғалаба қозонди. Меҳмонларнинг ягона жавоб тўпига Наргиза Абдурасулова муаллифлик қилди.

Мазкур муҳим ғалаба орқали очколар сонини эллик тўрттага етказиб олган қаршиликлар чемпионат олтин медалларини муддатидан олдин деярли нақд қилиб қўйишди.

# МЕРГАНЛАРИМИЗ ХОТИРА ТУРНИРИ СОВРИНДОРИ

***Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида камондан отиш спорт тури бўйича ўтказилган халқаро хотира турнирида Ўзбекистон терма жамоаси 13 нафар камончи билан иштирок этиб, тўртта бронза медалига сазовор бўлди.***

Гулнора Арипова бошчилигидаги спортчиларимиз жамоавий баҳсларда Ислом Сайфуллин, Амет Умиров ва Шахбоз Хожибековларнинг мерганлик маҳоратлари эвазига бронза медали совриндори бўлишди.

Хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган яккалик мусобақаларида Мунира Нурманова икки бор 70 метр масофага камондан отиш баҳсларида нишонни аниқ мўлжалга олиб, учинчи ўринни эгаллаган бўлса, жамоавий ҳисобда Ирина Савинова, Мадина Акрамова ҳамда Мунира Нурмановалардан иборат учлик ҳам бронза медали билан тақдирланди.

Эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақаларда шахсий ҳисобда иштирок этган Ислом Сайфуллин 70 метр масофага аниқ ўқ узиб яна бир бор бронза медалга эга бўлди. Бу натижа Исломга халқаро тоифадаги спорт устаси талабини бажариш учун етарли бўлди.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида 20 октябрь куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4, кундузи — 15-17 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 20 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5223

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1055

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6325 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5